

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ

*Қўлёзма ҳуқуқига*

ТУЛАГАНОВА УМИДА ЙЎЛДОШ ҚИЗИ

УДК 894.2.375 (092) Тоғай Мурод

ТОҒАЙ МУРОД НАСРИДА РИТМ

10.01.02 – Ҳозирги миллий адабиёт  
(ўзбек адабиёти)

Филология фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2005

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар** – филология фанлари доктори, профессор **А.Р.РАСУЛОВ**

**Расмий оponentлар** – филология фанлари доктори **Н.РАҲИМЖОНОВ**

филология фанлари номзоди, доцент **Ш.РИЗАЕВ**

**Етакчи илмий муассаса** – Тошкент давлат педагогика университети

Ҳимоя 2005 йил декабри ойининг 14 куни соат 14<sup>00</sup> да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д 015.04.01 рақамли докторлик илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9 – уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13 – уй.

Автореферат 2005 йил октябри ойининг 31 куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш  
котиби, филология  
фанлари доктори:

 **М.ЖЎРАЕВ**

### Ишнинг умумий тавсифи

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги ўз мавқеига эга бўлган адабиёт соҳасига ҳам янгича талаблар асосида ёндашишни тақозо этади. Халқимиз дунёка – рашини шакллантириш, тафаккур оламини бойитиш, бадий дидини ўстиришда адабиёт ва санъатнинг ўрни беқиёс. Шу сабабли маданий меросни эъзозлаш, буюк аллома, нодир истеъод соҳибларининг мангуликка даҳлдор асарларини пухта ўрганиш ва тиклашга аҳамият қаратилади. Адабиётшунослик соҳасида ҳам янгича қарашлар, ҳурфикрлик имкони тугилгани ёш авлодни илмий изланишларга руҳлантиради. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир».<sup>1</sup> Тараққиётнинг асоси илм ва маърифат экан, истиқлол йилларида миллатнинг маърифий қудратини ошириш мақсадида адабиёт ва санъат соҳасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бадий адабиёт – сўз санъати. Сўз воситасида инсон қалби ва шуурига таъсир этилади, унинг маънавий эҳтиёжи қондирилади. Матн эса сўзларнинг бирлашуви, маъно ташувчи воситага айланишидир. Бадий матнни адабий жиҳатдан таҳлил қилиш билан бирга унинг ифода шакллари ўрганиш ҳам адабиётшунослик учун муҳим мавзу саналади. Бадий матннинг назмий ва насрий хусусиятларини тадқиқ қилишда *ритм* деб аталган поэтик ҳодисанинг ўрни катта. Ритм нафақат шеърий асарлар табиатида, балки насрий асарларнинг маъно салоҳиятини англашда ҳам муҳим эстетик бирлик саналади. Ритмнинг ўзгарувчан табиати насрий асардаги образлилик, ифодавийлик, жарангдорликни таъминлаб – гина қолмай, сўзнинг янги маъно қатламларини очиб, сўз ва оҳанг муштараклигини ҳис қилиш имконини беради. Бунинг баробарида бадий насрнинг ифода қуввати ва таъсирчанлиги ошади, муаллиф назарда тутган гоя ва ниятларнинг китобхонга етиб бориши енгиллашади. Шунинг учун ҳам ёзувчилар адабиётшуносликдаги бу муҳим поэтик унсурнинг имкониятларидан тугалроқ фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бунинг натижасида эса китобхон қалбидан ўрин оладиган, унинг онги ва шуурига таъсир этиб, маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган асарлар битишга эришганлар.

Ўзбек насрида ритм имкониятларини чуқур илғаи «Маҳбуб ул – кулуб», «Бобурнома» каби асарларда ҳам кўринади, Навоий ва Бобурдек мумтоз насрнависларимизнинг бу борадаги тажри – балари кейин яшаб ижод этган носирларга поэтик мактаб вази – фасини ўтади. Насрда бадий ритмнинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланиш натижасида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби адиллар яратган асарлар XX аср ўзбек адабиёти тарихилан ўзига хос ўрин эгаллади. Ҳозирги ўзбек насрида О.Ёқубов, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев, У.Ҳошимов,

<sup>1</sup> Қаримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – Б.3.



Мурод Муҳаммад Дўст, Э.Аъзамов ва бошқа адиллар асарларининг ритмик жиҳатини тадқиқ этиш уларнинг маҳоратини ўрганишнинг муайян бир қисмини ташкил этади. Ўзбек адабиётшунослигида бадий матн кенг ва тереин таҳлил қилинган, бадий насрдаги ритм табиати, хусусиятлари тўлиқ ёритиб берилган тадқиқотлар кам. Мана шу поэтик ҳодисани чуқур ўрганмай туриб шоир ва ёзувчиларнинг бадий маҳорати сирларини ҳам, адабий жараён қонуниятларини ҳам тугал англаб бўлмайди.

Тоғай Муроднинг қисса ва романларидаги маъно қўламдорлиги, ифодаланаётган фикрларнинг мантиқий изчиллиги, ифоданинг қисқа ва луқдаллиги, жумла жарангдорлиги эътиборни тортади. Қаҳрамон руҳиятини, савий – ҳаракатини аниқ ифодалашда, асослашда ёзувчи зарур ибора, сўзи қўллаб билган. У киши туйғулари, эмоцияларини ҳис қилдиришга, буида унга мувофиқ оҳангни ҳам танлашга эришади. Тоғай Мурод қисса, романларида ритм, интонация, пафос муштараклиги каби поэтик ҳодисаларни ўрганиш ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам, ритм поэтикасига доир назарий қарашларни ривожлантириш учун ҳам долзарблик касб этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ритм табиатини ўрганиш мумтоз адабиётшуносликнинг асосий масалаларидан саналган. Шунинг учун ҳам ўзбек мумтоз адабиётида насрга нисбатан назм устиворлиги сезилгани боис олимлар шеърий асарлар ритми – касини унинг вази хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганишга киришганлар. Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул – балаға», Али – шер Навоийнинг «Мезон ул – авзон», Бобурнинг «Рисолаи аруз» каби асарларида аруз вази табиатини таҳлил қилиш баробарида поэтик ритмнинг айрим жиҳатларига доир мулоҳазалар ҳам баён қилинган. Фарб адабиётшунослигида эса Аристотель, Н.Буало, Д.Дидро, Г.Лессинг, Г.Гегель, М.Хайдеггер, Ортега – и – Гассет каби олимларнинг поэтикага доир фундаментал ишлари таркибида биз ўрганаётган илмий муаммонинг айрим жиҳатлари ҳақида мулоҳазалар айтилган.

Рус адабиётшунослигида В.Шкловский, В.Жирмунский, Б.Тома – шевский, Б.Эйхенбаум, В.Виноградов, А.Тимофеев, М.Бахтин, Ю.Борев, Ю.Лотман, Н.Фортунагов, А.Чичерин, М.Гиршман<sup>1</sup> каби мутахассислар томонидан шеърий ва насрий асар ритми юзасидан илмий – қиёсий тадқиқотлар олиб борилади. XX аср ўзбек адабиётшунослигида эса ритм, оҳангдорлик каби ҳодисалар поэтика илми таркибига киргани

<sup>1</sup> Шкловский В.В. О теории прозы. - М.: Советский писатель, 1983. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. - Л.: Наука, 1977; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. - М.-Л.: Гос. изд. худ. лит., 1931; Эйхенбаум Б.М. О прозе, о поэзии. - М.: Художественная литература, 1986; Виноградов В. В. О языке художественной прозы. - М.: Наука, 1980; Тимофеев А. И. Ритм стиха и ритм прозы. // На литературном посту. - 1929; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. - М.: 1973; Борев Ю.Б. Искусство интерпретации и оценки. - М.: Советский писатель, 1981; Лотман Ю. М. Структура художественного текста. - М.: 1978; Фортунагов Н. М. Ритм художественной прозы // Ритм, пространство, время в литературе и искусстве. - Л.: Наука, 1974; Чичерин А. В. Ритм образа. - М.: Советский писатель, 1973; Гиршман М. М. Ритм художественной прозы. - М.: Советский писатель, 1982.

учун ёзувчи маҳоратини ўрганиш билан баробар кечди. Бу жиҳатдан А.Фитрат, А.Саъдий, Иззат Султон, О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Каримов, С.Мамажонов, С.Мирвалиев, Н.Раҳимжонов ва бошқа олимларнинг назарий ва адабий – танқидий ишлари характерлидир.

Ритми бевосита насрий асар поэтикасининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўрганган ва ритм назарияси ҳақида мулоҳазалар билдирилган ишлар қаторида Б.Саримсоқов, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуронон<sup>1</sup> тадқиқотларини, роман ва қиссаларнинг жанр – услубий хусусиятларини ўрганган А.Раҳимов, Ҳ.Каримов, З.Пардаева, М.Олимов, А. Нурматов, Д.Ражабов, М.Имомқаримова<sup>2</sup> кабиларнинг докторлик ва номзодлик диссертацияларини кўрсатиш мумкин.

Диссертация юқорида келтирилган тадқиқотлардан поэтиканинг муоммоларини ритм нуқтаи назаридан ўргангани, таҳлил қилгани, ёритгани билан фарқланади.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертациянинг мавзуси Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети илмий ишлари режасида акс этган ва ушбу даргоҳнинг илмий кенгашида тадқиқланган.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади Тоғай Мурод насри ритми ва унинг хусусиятларини ўрганиш бўлиб, буида насрий асарлардаги миллийлик, бадий яхлитлик, мусиқий – лик, тасвирийлик каби бадий жиҳатларга эътибор қаратилади, сўз ва оҳанг уйғунлиги, оҳангдорликни юзга келтиришдаги ҳолатларга ҳам аҳамият берилади. Ритмнинг шаклланиш ва ифода хусусиятларини ўрганиш Тоғай Муроднинг қисса ва романлари мисолида тадқиқ қилинади.

Диссертация олдига қуйидаги илмий вазифалар қўйилди:

- наср поэтикасида ритм ўрнини белгилаш;
- Тоғай Мурод асарлари таркиби ва ритми муаммосини ўрганиш;
- ритм, пафос ва интонациянинг матн табиатини белгилашдаги функциясини аниқлаш;
- ҳозирги ўзбек насрида ижодкор услуби ва ритм муносабатларини текшириш;

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Т.: Фан, 1979; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. –Т.: Фан, 1992; Қуронон Д. Чулоқ насри поэтикаси. –Т.: Шарқ, 2002.

<sup>2</sup> Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси. Филол. ф. докт. ... дисс. автореф. – Т. 1993; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси. Филол. ф. докт. ... дисс. автореф. –Т.: 1994; Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари. Филол. ф. докт. ... дисс. автореф. –Т.: 2003; Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. Филол. ф. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 1995; Нурматов А. Бадий асарда полифониализм. Филол. ф. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 1996; Ражабов Д. Бадий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати. Филол. ф. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 1998; Имомқаримова М. Уткир Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар тақини. Филол. ф. номз. ... дисс. автореф. –Т.: 2004.



— Тоғай Мурод қисса ва романларида ритмнинг сюжет такомилдаги ўрнини белгилаш;

— Тоғай Мурод асарларида характер яратишнинг ритмик вазифасини ёритиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Ишда наср поэтикасида ритм, унинг асар таркибидаги вазифаси, пафос ва интонация, ижодкор услуби ва ритм муносабатлари назарий жиҳатдан ўрганилди. Ҳозирги насрда ритм муаммоси Тоғай Мурод асарларида ёрқин акс этганлигини инobatга олиб, унинг қисса ва романлари мисолида тадқиқ этиш инимизнинг янгилигини белгилайди. Тоғай Муроднинг қисса ва романларида сўзнинг маъно ва оҳанг кўламига, бетакрорлиги, мушқийлиги, ёрқин ифодавийлиги, аниқ ва изчил тасвирига алоҳида аҳамият берилади. Шунингдек, диссертацияда насрий асар ритмининг бадиий гоёни ёритишдаги вазифаси, матн ички тартиби изчиллигидаги аҳамияти, бадиий образ моҳиятини акс эттиришдаги ўрни ҳамда жумла қурилишида сузларнинг қўлланиши, уларнинг оҳангдорликни қай тарзда намоён қилганига эътибор қаратилади. Таҳлил жараёнида ритмнинг эстетик қиммати, миллий жозибани намоён этиши, қаҳрамон ҳолати, маънавий оламни ёритишдаги вазифалари назарда тутилган.

**Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертация бадиий наср ритми моҳиятини назарий жиҳатдан ўрганганлиги, уни алоҳида ёзувчи ижоди мисолида ёритиб берганлиги сабабли ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Диссертация натижаларидан келиб чиқадиган назарий умумлашма ва хулосалар миллий истиқлол гоёсини ўзига сингдирган ўзбек адабиётшунослигида наср поэтикасини тадқиқ қилишда, уни янги назарий қарашлар билан бойитишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагиларда акс этади:

— олий ўқув юрталарининг бакалаврият ва магистратура босқичидаги филолог талабаларга адабиётшунослик тарихи, адабиёт назарияси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда;

— олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида; умумтаълим мактабларида ҳозирги ўзбек адабиётидан дарс ўтишда, хусусан, ёзувчи Тоғай Мурод ижодини ўрганишда;

— бадиий матн поэтикаси ва талқинига доир илмий ишлар қилишда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот манбаи.** Диссертацияда мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар», «Момо ер қушиги» қиссалари ва «Отамдан қолган далалар», «Бу дунёда ўлиб булмайди» романлари тадқиқот объекти сифатида белгиланди.

**Тадқиқотнинг методологик асослари.** Таҳлил жараёнида Шарқда эстетик тафаккур тараққиётига хизмат қилган Форобий, Имом Ғаззолий, Алишер Навоий, Бобур каби алломалар ва бадиий асар поэтикасини ўрганишда фундаментал тадқиқотлар сифатида тан олинган Аристотель, А.Дидро, Г.Лессинг, Г.Гегель,

А.Веселовский, А.Потебня асарларига таянилди. В.Шкловский, М.Бахтин, Ю.Боров, Ю.Лотман, А.Чичерин, М.Гиршман сингари адабиётшуносларнинг ритм ва матн структураси масалаларини ёритишдаги илмий тажрибаларига асосланиб иш юритилди.

Ўзбек олимлари Иззат Султон, О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, Б.Саримсоқов, У.Тўйчиев, А.Расулов, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуронов кабиларнинг тадқиқотлари диссертация муаллифига танланган илмий муаммони ёритишда манба бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг жорийлаштири.** Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси мажлисида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ХХ аср ўзбек адабиёти ҳамда Ҳозирги адабий жараён бўлимларининг қўшма йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидаги илмий семинарда муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия қилинган.

**Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари диссертант томонидан «Тил ва адабиёт таълими», «Шарқ юлдузи», «Жаҳон адабиёти», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Ўзбекистон матбуоти» журналларида, шунингдек, илмий тўпламларда чоп эттирилган еттита мақолада ўз аксини тошган.

**Тадқиқотнинг тузулиши.** Диссертация кириш, олти фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 130 саҳифани ташкил қилади.

## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, масаланинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари, илмий — назарий ва амалий аҳамияти баён қилинган. Шунингдек, тадқиқот манбаи, жорийланиши ва тузулиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби "Насрий асар поэтикасида ритмнинг ўрни" деб номланган бўлиб, унинг 1-фасли «Бадиий яхлитлик ва ритм» муаммосини ўрганишга қаратилган.

Сўз қудрати, мўъжизакор жилваси, сирли оҳанги инсон қалбини тўқинлантиради. Воқеликнинг ёрқин ва жозибали ифодаси ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Бадиий матн хоҳ шеърдай, хоҳ насрий бўлсин, унда ички уйғунлик, тартибот мавжуд. Асар компонентларининг ўзаро борлиқлиги, ривож, изчиллигида ритмнинг муҳим ўрни бор. Жумладан, наср поэтикасида воқеалар ривож, персонаж нутқи, бадиийлик, характер талқини, услубий бетакрорлик ритм воситасида амалга ошади. Наср ритмининг ўрганар



эканмиз, вазало, истилоҳнинг маъно — моҳиятини эътибор қарата — миз: «Ритм (гр. *rhythmos* — тақт, оҳангдош сўздан) — муайян бир — бирига тенг нарсаларнинг бир хил вақт бирлигида такрорланиб туриши. Адабиётшуносликда эса шеърини нутқдаги муайян бўлакларнинг бирор тенг вақт ичида изчил ва бир ўлчовда такрорланишига ҳам ритм дейилади. Наср ҳам ўз ритмига эга, бироқ у ўз табиати ва характери жиҳатидан шеърини ритмдан кескин фарқ қилади».<sup>1</sup>

Ажнабий сўзлар луғатида мазкур истилоҳни тушунтиришда аниқликка, раволикка эришилган. Унга кўра, «ритм — баъзи сўз, ифодаларнинг маълум тартибда, маълум вақт ичида такрорланиши, нутқ бўлақларидаги сўз ва синтактик тизимнинг маромли такрори. Оҳанг ритмининг сиртки кўриниши» эканлиги таъкидланади.<sup>2</sup> Ушбу таърифлардан келиб чиқиб айтиш жоизки, ритм бадиий асар ўзига, сийратидаги ҳаракат бўлиб, оҳанг унинг ташқи жарангидир.

Ритмнинг умумий табиати ҳақида ўзбек олими У.Тўйчиев шундай ёзган: «Ритмдан сўзга сеҳр, таъкид, кўтаринкилик насиб бўлади, ритмик фикр — ишонч, муҳимлик ато этгандай бўлади; шеърини ритмни сўз обрўли сўздир, ритмни фикрни ёдлаш осон ва эсдан узоқ вақтгача чиқмайди. Қолаверса, ритмдорлик кишига завқ — шавқ бағишлайди, нутқдаги ҳиссиёт, эмоционалликни орттиради, руҳий эҳтиёжни қондиради. Аристотель айтганидек, нутққа зебу зийнат тақдим қилади. Ҳоҳининг кишига сингишига кўмаклашади».<sup>3</sup> Қўринадик, луғатлар ва ритмнинг умумий табиатига бағишланган ишларда шеърини асарлар ритмикасининг хусусиятларини изчил аниқлаштиришга ҳаракат қилганлари ҳолда насрий асарлар ритми ҳақида етарлича маълумот берилмаган.

Наср поэтикаси ҳар бир жанрнинг ўзига хос жиҳати, табиати, тузилиши, ифода имкониятларини намоён этади. Ёзувчи инсон ҳаётининг маълум босқичи ёхуд ижтимоий муносабатларни ёритишда тафсилот, тасвир воситалари меъёри, ифода аниқ, лундалиги, материалнинг жанрга мувофиқлигига аҳамият беради. Ритм бадиий насрнинг руҳи, табиати, сийратида бўлади. Ёзувчи ижод қилган экан, гайришуурий ҳолда ритмга эътибор беради. Адиб асар ёзилганда утирар экан, гоё ва ритм, асар мазмуни ва табиатини монандлашга интилади. Наср поэтикасида ритмнинг бетакрор ўрни борки, уни тасаввур қилиш учун наср ритмикасига оид манбаларга мурожаат қилиш лозим. Француз адиби Г.Флобер ўз ижодий тажрибасидан келиб чиқиб: «Насрда ритмни — на изчил қайдаси, на муҳим таъничи бўлмаган, товланиб туривчи ритмни чуқур ҳис қилиш лозим... схири носир ҳар дақиқада нутқига мос тарзда ҳаракат, ранг, ибора оқибатини кашф этиб боради»<sup>4</sup> — деб ёзади. Наср ритми

ўзгарувчан, воқеликнинг қай тарзда, қай даражада ифодаланишига кўра ижодкор унга мос оҳанг йўсинини танлайди.

Насрий матнда ритм асар умумий руҳи, гоёни ёритишда, бадиий компонентлар узвийлигини таъминлашда, бадиий образ моҳиятини акс эттиришда, жумлалар оҳангдорлигини намоён этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, наср ритми билан жиҳдий шугулланган мутахассислардан бири М.Гиршман: «Насрнинг ритмик ҳаракатида умумлаштириш ва таркибий бир хиллик эмпирик ҳаётини кечинмалар тасвирида ойдинлашади, худди шундай нутқий ҳаракат бунинг натижасида ўзининг муҳим уюшқоқлигига эришади — унда муаллифнинг, яъни ҳаётини дунё ижодкорининг фаол бадиий — сўз фаолияти мужассамдир»<sup>1</sup> — дейди. «Умумлаш — тириш ва таркибийлик» ҳақида сўз юритаркан, адабиётшунос олим насрда ритм бадиий матн таркиби (структураси) билан қатъий боғланганлигини қайд этади. Ритм насрий асарларда ҳам муайян оҳангдорликни, кўтаринки ҳис — туйғуларни намоён этишда, таъ — сирчанлигини оширишда муҳим ҳисобланади. Шундай бўлса — да, «Ритм, — дейди Ж.Голсуорси, — қисмлар ва бутунлик ўртасидаги ҳаётни яратувчи сирли уйғувлик, аниқ нисбат бўлиб, бунинг сирини ҳаёт жонли танани тарк этганда ва шу туфайли қисм — ларнинг зарур нисбати бузилганда илғаш осонроқ. Қисмларнинг ўзаро нисбати ва бутунликка нисбати, бошқача айтганда, ҳаётинилик — санъат асарининг ягона ажралмас хусусиятидир»<sup>2</sup>.

Ёзувчи асар гоёсини ёритишда, тасвирланаётган воқеа — ҳодиса, ҳаракатга эътиборни қаратишда, тасвир жонлилиги, табиийлигини таъминлаш, қолаверса, ҳиссий таъсирчанликни ошириш мақсадида ритмдан фойдаланади. Роман ва қиссаларда ҳам ритм табиатан интонация ва пафос билан боғлиқ ҳолда юзга чиқади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «*Ритм, интонация ва пафоснинг ўзаро муносабати*га доир» деб номланади. Бу ўринда ҳар уч адабий ҳодисанинг бадиий матн яхлитлигини таъминлашдаги ўрни ва ўзаро муносабатлари ҳақидаги назарий қарашлар Тоғай Мурод қиссалари асосида далилланади.

Томирнинг уриши — жонлилик белгиси. Жон томирларда маълум маромда ҳаракат қилади. Ҳар битга одамнинг томир уриши ўзганикига ўхшамаганидай, ҳар бир асарнинг «жони» бошқани — кидан фарқ қилади. Бадиий асарнинг «жони» қандай қилиб ҳаракатга келганлиги ҳақида ёзувчи Ўткир Ҳошимов: «Чинакам асар туғилмасидан олдин унинг оҳанги, музикаси пайдо бўлади. Бу — гоё эмас, сюжет ҳам эмас, айнан оҳангдир. Мана шу оҳанг адибни қўлидан судраб келиб, столга «михлаб» қўяди. Асарнинг жони дегани шу бўлса керак»<sup>3</sup> — дея эътироф этади. Асарлардаги оҳанг ҳам ўзига хос бетакрор бўлади. Ижодкор гоёвий — бадиий

<sup>1</sup> Гиршман М.М. Адабиётшунослик терминларининг русча — ўзбекча изоҳи. — Т.: Ўзбекистон, 1979. — Б. 258.

<sup>2</sup> Советский энциклопедический словарь. — М.: Русский язык, 1986. — С. 290.

<sup>3</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэтикасида аруз системаси. — Т.: Фан, 1985. — Б. 212.

<sup>4</sup> Иқтисодий ушбу манбадан олинди: Гиршман М.М. Ритм художественной прозы. — М.: Советский писатель, 1982. — С. 22.

<sup>1</sup> Гиршман М.М. Ритм художественной прозы. — М.: Советский писатель, 1982. — С. 289.

<sup>2</sup> Қарағай Гиршман М.М. Литературное произведение. Теория и практика анализа. — М.: Высшая школа, 1991. — С. 86.

<sup>3</sup> Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. — Т.: Шарқ, 2001. — Б. 113.



концепцияга мос оҳангни топиши зарур. Интонация қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришларни, унинг ҳис-туйғуларини тўлиқ ифодалашда ритм каби муҳим восита ҳисобланади.

«Адабиётшунослик атамалари луғати»да: «Интонация лотинча «intonare» — нутқнинг маромли оҳанги»<sup>1</sup> маъносида қўлланиши қайд қилинган. Ижодкор эҳтироси, қалбидаги дарду армонлари асарларида аксланади, кутаринкилик, жўшқинлик асарни янада жонлантиради. Асарлар кўп, уларнинг барчасида ҳам тиниқ оҳанг, кутаринкилик, эҳтирос бўлавермайди. Ритм — бадий асар «жони», унинг қандай ифода этилиши санъаткор истеъдодига боғлиқ. Гарб олим Вейдленинг таъкидлашича: «Маъно оҳанги сўзлар жарани, интонация, ритм, қолаверса, айтилажак фикр моҳияти, индалло мазмуни бирикувидан ташкил топади».<sup>2</sup> Ижодкорлар асарнинг яратилишини гайбдан эшитилган сўзларнинг қозоғга туширилиши дейдилар. Бошқача айтганда, баъзи инсонларгагина бериладиган истеъдод ҳеч ким кўрмаганларни куриш, ҳеч зот эпитмаганларни эшитиш имконини беради.

Инсон кечинмалари, ҳиссиёт дувёси *пафосни* вужудга келтиради. «Пафос (гр. pathos) — ҳис туйғу, азоб-уқубат, завқ-шавққа тўлганлик, кутаринки руҳ» деб тушунтирилади «Катта Қомус»да.<sup>3</sup> Пафоснинг оҳангга дахлдорлиги қандай, нега бу поэтик ҳодисани англишда мутахассислар оҳангдорликка мурожаат қилишга? Одам завқ-шавққа тўлса, туйғулари жунбушга келса, «жони ичига сиймаяпти» дейилади. Жоннинг уртаниши, ғайритабиий ҳола утқиши ва унинг бадий асарда аксланиши пафосдир. Пафоснинг ҳаётлиги, намоён бўлиши ритмнинг табиатига боғлиқ.

Насрий асар поэтикасида ритм, пафос, интонация уйғунлиги бадий образни тўлақонли ёритишда, ёзувчининг борлиққа муносабатини изчил, таъсирли ифодалашда муҳим восита ҳисобланади. Муаллиф қаҳрамон онгидаги ўзгаришни, қалб кечинмасини, вазиятини ритм, интонация воситасида аниқ — равшан ифодалайди. Тоғай Муроднинг қисса, романларида ритм, интонация, пафос муштаракликда намоён бўлиши аҳамиятлидир. Адиб асарларида персонаж нутқи монолог ва диалог орқали, турли ҳолатлар, муайян кечинмалар жонли, ҳаққоний ифодаланган. Инсон ҳаётини барча мураккабликлари билан тасвирлаш осон эмас. Унинг руҳиятини, саъй-ҳаракатини аниқ ифодалашда, асослашда ёзувчи зарур ибора, сўзни қўллай билган. Тоғай Мурод насрида мисралар маъно қўламдорлиги, фикрлар мантиқий изчиллиги, ифода қисқа ва лўндалиги, жумалар жангдорлиги билан эътиборни тортади. У киши туйғулари, эмоцияларини ҳис қилдириш учун унга мувофиқ оҳангни ҳам танлашга эришади. Асарларининг синтактик (жумла) қурилишида ҳам ритмнинг ўрни ва эстетик функцияси аниқ кўзга

ташланади. Ижодкор жумла тузишда унинг маъно салмоқдорлиги, ритмик интонацион жиҳатларига эътибор беради. Жумла, сўзларнинг тартиби, ички ритми, пауза ифода кучини ошириб, маълум маънони ёритишга қаратилади:

«Халқ нимаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ! Кўп урф-одатларимизни бировлар... бировлар ўзиники қилиб олди! Биз қўлимизни бурнимизга тиқиб қолдик. Шундай кета берсак, ҳагемай ўзимизни—га бой бериб қўямиз!».<sup>1</sup> Мазкур сатрларда қаҳрамон ич-ичидан ёниб-куйиб айтган дил сўзлари ўз ифодасини топган. Жумладаги сўроқ-таъкид оҳанги, «халқ» сўзига урғу берилиши, кейинги мисраларда таъкид кучайтирилиб, мантиқий урғу моҳиятини чуқур англашга, фикрни бир нуқтага жамлашга хизмат қилади. Талаффуз жараёнида ачиниш, афсус—надоматни пауза (матнда уч нуқта) воситасида ифодаланган, «бировлар ўзиники қилиб олди», дея яна таъкид кучайтирилади. Сўнги сатрда хавотир ҳисси яққол сезилади, —га юкламаси (ўзимизни—га) нафақат қайта таъкид, балки персонаж қалбидаги оғриқни ҳам ҳис қилдиради. Ўзликни бой бермаслик, уни асраш ҳақида мулоҳаза билдирилган экан, сабаб—натижалари кўрсатилади. Интонация—сатрлар оҳангини фарқлашга, яъни сўроқ, таъкид, таассуф, хавотирни англишга ёрдам беради. Адиб кишидаги завқ-шавқ, кучли ҳаяжон ё тушкун ҳолатларни ёрқин акс эттирувчи бундай жонли манзараларни кўплаб яратган.

Тоғай Муроднинг асарларида зиддиятли, кескин, шу билан бирга жўшқин ҳолатлар ритм, интонация, пафос узвийлигида ўз ифодасини топган. Ижодкор тингловчига эстетик завқ бағишлашда бу имкониятдан фойдаланади:

— Мен ўзбакман, ўзбак! Ўзбак қаерда таваллуд топади — ана ўша ерда умр кечиради! Чанишев! Балиқ жаннатмакон соҳилда бўлса — да, ўлиб қолади. Ўзбак — да ана шундай! Ўзбакка жаннат — макон — да татимайди. Ўзбак жаннатмаконда — да ўз эл — юртини қўмсаб — қўмсаб адо бўлади. Ўзбак жаннатмакондан дўзахмакон пахтазорини қўмсаб — қўмсаб қайтиб келади.<sup>2</sup>

Руҳли, жўшқин нутқ миллат фарзанди маънавий қиёфасига чизгилар тортади. Қалбдан вулқондай оғилган фарёд, кескинлик, таъкид, қатъият ритми ҳам тезлаштиради. Жумладаги «ўзбак» сўзига тушган мантиқий урғу нутқ динамикасини ўзгартиради, кескинлик, шиддат бошланади. Ҳар бир мисрада айтилган фикр тўлдирилиб, асосланиб, моҳият изчил ёритиб борилади. «Жаннат — макон — дўзахмакон» ёки «таваллуд топади — ўлиб қолади» контрасти зиддиятни намоён этади, — да юкламаси ўрнига «ҳам» ишлатилиши мумкин эди, бироқ — да таъкидни кучайтиради, сатрдаги товушлар мувофиқлигига (ўзбак — да шундай, жаннат — макон — да татимайди каби) хизмат қилади, бу ўз ўрнида ички

<sup>1</sup> Словарь литературоведческих терминов. — М.: Просвещение, 1974. — С. 108.

<sup>2</sup> Қаранг: Халиев В.Е. Теория литературы. — М.: Высшая школа, 1999. — С. 233.

<sup>3</sup> Большая Советская энциклопедия. — М.: Советская энциклопедия, 1972. — С. 289.

<sup>1</sup> Тоғай Мурод. От килнаган оқшом. Қиссалар. — Т.: Шарқ, 1994. — Б. 43.

<sup>2</sup> Тоғай Мурод. Отамдан қолган даладар. — Т.: Шарқ, 1994. — Б. 42.



ритмни ҳосил қилади. Ҳатто «ўзбек» сўзининг шева варианты — «ўзбак» табиий, айни дамда талаффузи маълум даражада «ўзбек»ка нисбатан кучли янтрайди, нутқимизда кам қўлланиши билан ҳам эътиборни тортади. Такрорлар ифода кучини оширади. Ундов белгилари тасдиқ, қатъий ҳулосани, ритмдаги кўтарилишни билдиради, жумлалар жарангдорлиги ифода кучини оширади ҳамда тасвирни тиниқлаштиради. Қўринадик, мантиқий урғу, товушлар уйғунлиги, зид, такрор сўзлар, тиниш белгилари мисралар оҳангдорлигини, интонацион тугалликни намоён этади.

Инсон руҳиятидаги, фитратидидаги жараёнларни реал акс эттиришда, қаҳрамон содир этган мураккаб ҳолатни аниқлашда адиб шундай йўл тутади:

*«Отамиз уйига ёниб—ёниб келди!*

*Узала тушиб ухламиш онамизга қаради.*

*Жағ суюқлари бўртиб—бўртиб қаради...*

*Бирдан ... онамиз билан олиб, отиб юборди!»*<sup>1</sup>

Жумлалар тузилиши, сўзларга мувофиқ оҳанг тавланиши муайян ҳаракат ё ҳолатни, воқеликни ёрқин ифодалайди. Ритм, интонация, пафос узвийлиги нутқ эмоционалигини оширади. Тоғай Мурод насрий асарлари таҳлили ҳам айнан жумладаги товуш, сўз, тиниш белгилари, пауза, талаффуз меъёрларини белгилашда мусиқадаги, шеърятдаги каби воситалардан фойдаланишни ўйлаб кўришни тақозо этади. Шунда ўқувчининг асарни нозик ҳис қилиб, ундаги баланд—паст нутқларни, ритмдаги кўтарилиш, пасайишни сезги қувватлари воситасида илғаб олиши осон бўлади. У ритмдаги ўзгаришларни, маъно нозикликларини тез, осон илғаш, моҳиятни теран аниқлашга ёрдам беради. Нутқ таъсирчанлигини оширади, ҳиссиётларни гулиқ ифодалашга, қаҳрамон тафаккур ва тасаввур оламини изчил ёритишга, жумла жарангдорлигини намоён этишга хизмат қилади. Ритм — асос, негиз бўлса, интонация унинг қай тарзда юзага чиқишига восита бўлади; пафос — эҳтирос ифодасида ҳам зарур ибора, сўзни ўринли қўллаш, ҳолатни ҳис қилдиришда унга мос оҳангнинг танланиши тасвир изчиллигини таъминлайди.

Таъкиднинг иккинчи боби «Тоғай Мурод насрий асарларида матн структураси (таркиби) ва ритм муносабати» деб номланади.

Бобнинг *Шакл ва мазмун мутаносиблиги*га бағишланган дастлабки фаслида бадиий матн таркибида ритмнинг ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинган. Ижодкор эстетик қарашлари, борлиқ воқеа — ҳодисаларига муносабати бадиий матнда ўз аксини топади. Ёзувчи матнни шундай тузиши керакки, асос, моҳият аниқ кўриниб, билиниб турсин, фактик материал асосий моҳиятни кўмиб кўймасин. «Адабиёт назария»сида мавзу (ғоя ва муаммо каби) бадиий асар мазмуни таркибида ўрганилади, бадиий шакл воситалари сифатида эса образ, сюжет, композиция ва бадиий нутқ шакллантирилади,<sup>2</sup> — дея маълумот берилади. Бадиий асар

мавзусининг тиниқ бўлиши структура яхлитлиги, ритм изчиллигини белгилайди. «Асар структураси яхлитлиги, аввало, асардаги асосий муносабат, ёндашувни аниқлаш, муаллифнинг мавзудан узоқлашиб кетмаслиги, баъзан чекинишлари ҳам асосий муносабатлар етуклигига ҳисса қўпиши билан баҳоланади... Асар ташкилланиши нафақат ифода қисмида, балки мазмун доирасида ҳам намоён бўлади».<sup>1</sup> Муаллиф муносабати, ёндашуви — сарлавҳа, биринчи жумла, маъно нутқлари, ҳулоса (яқун) кўринишида ўқувчига тақдим қилинади.

Шу ўринда «Юдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар» каби қиссаларнинг сарлавҳалари таҳлил этилади. Ёзувчи сарлавҳа орқали асарда ёритилган мавзу, ифодаланган ўй — ҳисларини, қарашларини ўқувчига маълум қилишга интилади, айни шу фурсатдан улар орасидаги муштарак — лик бошланади. М.Феллер таъкидлаганидек, сарлавҳа муаллиф томонидан шунчаки танланмайди, уни вазият, мақсад, шароит, эмоция (ҳиссиёт) ё мушоҳадага йўналган фикрлаш доираси тақозо этади.<sup>2</sup>

«Отамдан қолган далалар» сарлавҳаси ҳам мушоҳадага чорлайди. Маълумки, отадан ер — сув, ҳовли — жой, бойлик (маблағ) мерос қолади. «Дала» — асосан меҳнатни, тинимсиз ишлашни талаб қилади. «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» — жумбоқли сарлавҳа. Унинг ўзида муаллиф ҳамда ўқувчининг ички зиддияти намоён бўлади. Илк тўқнашув ўқувчини сермулоҳазаликка, асарни синчиклаб ўрганишга даъват этади. Қўринадик, сарлавҳа ижодкор билан китобхоннинг илк танишуви, учрашуви, баъзан тўқнашуви экан. Ижодкор нафақат сарлавҳани, балки биринчи жумла — ю асарнинг структурасини тафаккурида, тасаввурда туғилганидан бошлаб парваришлайди. Асарнинг ёзувчи руҳида етилиши, онгида пишпи, қаҳрамонларнинг топилиши, қалбни туғенга келтираётган ёқимли азобдан қутулиб олиш истаги... Қалам аҳли ҳомиладор аёл каби бўшаниб олиш туйғусини юрак — юракдан ҳис этади. Бадиий асар роса етилгач, қалба пишгач, тирик вужуд сифатида олам юзини кўради. Етилган асар осонгина «туғилади», лекин барибир осон пайдо бўлишининг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд.

Яхлит ритмнинг ибтидоси илк жумладан бошланади. Биринчи жумла — ёзувчи руҳидаги галаёнларни ёриб чиққан илк туйғу. Биринчи сатр — биринчи таассурот. У зинҳор алдамайди. Биринчи жумла ибтидо, бошланиш, йўлбоши. Унда мусиқа ҳам, оҳанг ҳам, руҳ ҳам, сурату сийрат ҳам бор. Биринчи жумла — ваъда, нималар ҳақида гапирилмоқчи, қандай сирни очмоқчи, эътиборни нимага қаратмоқчи. Асар структурасининг жамики руҳидан биринчи жумла жаранги эшитилиб туради. Диссертацияда «Ўткан кунлар» ва «Кеча ва кундуз»даги биринчи жумлаларни Тоғай Мурод

<sup>1</sup> Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Қиссалар. — Т.: Шарқ, 1994. — Б.310—311.

<sup>2</sup> Поспелов Г.Н. Теория литературы. — М.: Высшая школа, 1978. — С.41.

<sup>1</sup> Феллер М. Д. Структура произведения. — М.: Книга, 1981. — С. 220, 169.

<sup>2</sup> Шу асар. — Б.90.



романларидаги дастлабки жумлалар билан солиштириш орқали бу фикрлар аниқ адабий материал асосида исботланган.

Тоғай Мурод — бадий асар таркибида ритмни моҳирона улаб, чатиштириб юбора олган санъаткор. «Отамдан қолган далалар»нинг биринчи сатри қуйидагича: «Мен фарғоначи Жамолиддин кетмон набираси бўламан». Тил нуқтаи назаридан: содда ёйиқ гап. Ўзбек тили қонун — қоидаларидан оз — моз хабари бор одам «фарғоначи» сўзига эътибор беради. Бу сўзни ҳазм қилолмайди. Ашаддий «Қодирийчи», унинг руҳида тарбияланган китобхон «фарғоначи» деган тўсиқдан нарига ўтмайди. «Фарғоначи» — чиндан ҳам беўхшов сўз. Лекин «Жамолиддин кетмон» деган ибора киши қалбида қандайдир умид учқунини пайдо қилади. «Кетмон... кетмон. Ҳа, Обид кетмон». Ўқувчи биринчи жумлада бир ўлиб, бир тирилади. Бу жумла Тоғай Муроднинг китобхон билан илк тўқнашуви, «бел олишуви» Мазкур сатр асарнинг бош ғояси билан боғланганини асар мутолаасидан кейин англаймиз. Асар ўзлаштираётган ўқувчининг тажрибали нигоҳи муаллифнинг қарашлари янгилиги, мантқиқ асосланганлиги, ҳаётни бадий тадқиқ қилишда асарни қай тарзда ташкиллантирганини кузатиб боради. Қисмлар узвийлиги, моҳиятни ёритувчи асосий маъно қатламлари — ю якуний қарашлар — бари муаллиф ёндашуви, муносабатини акс эттиришга йўналтирилиб, асар яхлит структурасини намоён этади.

«Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи қуйидаги сатр билан бошланади: «Таги кўрмаганга гилам бипмасин». Содда гап. «Таги кўрмаган» ва «гилам» заминиди зиддият бор. Гилам — бойнинг магоҳи. Камбағал шолча — ю наमतдан бошқасини кўрмаган. Айни вақтда мазкур сатр романнинг калити. Романдаги илк жумла «Қўшчинор чироқлари»даги илк сатр билан солиштирилади. Тоғай Мурод романидаги илк жумла бориб — бориб портлаши лозим бўлган бомба: унда асарнинг ғояси, ёзувчи асосий мақсади ўз ифодасини тошган. Диссертант матн таркибида биринчи жумланинг моҳиятини ўрганиб, муайян хулосага келган. Ижодкор умумин — соний муаммо ёхуд инсоний кечинмаларни бадий ифодалар экан, танланган мавзу моҳиятини маъно кўламдорлиги ва унга мувофиқ шаклда ёритишни мақсад қилиб қўяди. Зеро, «бадий асар қимматини белгилашда мазмун ва шаклнинг уйғун мувофиқлиги энг муҳим мезонлардан саналади».<sup>1</sup> Гармония — қисмлар уйғунлиги, мувофиқлиги, жумла жарангдорлигида намоён бўлади. Бадий асар структураси яхлитлиги ритмда кўринади. Проф. Б. Саримсоқов: «Бадиийликнинг моҳияти бадий асарнинг мазмуний жиҳатида яширинган бўлиб, унинг ифодаланиш ёки тасвирланиш тарзи ва даражаси асарнинг шаклида мужассамлашгандир»<sup>2</sup> - деб ёзган. Бадий асарнинг моҳияти сўз, иборанинг маъно кўлами, аниқ ифода, образли тасвир воситасида теран англанади. Ритм сўз,

мисралар жаранги, сатрлар оҳангдорлигини таъминлабгина қолмай, мазмун қатламини, матн ости маъноларни ҳам ёрқин ифодалайди. Шакл ва мазмун муаносиблигида ритм орқали оҳанг ва маъно товланишлари, ички мувофиқлик намоён бўлади.

Бобнинг иккинчи фасли «Сюжет ички тадрижи ва характер тасвирида ритм функцияси» деб номланади. Фаслда бадий матндаги сюжет ва унинг вазифаси ёзувчи Тоғай Муроднинг таҳлилга тортилган асарлари асосида кўрсатилади.

Бадиий матндаги қисм, боблар ритм воситасида боғланади. Бу узвий боғлиқлик асар яхлитлигини таъминлайди. Муаллиф воқеаларни занжирга тизиб, бир бутунликда тасвирлаши бадий воқеликнинг ўқувчи томонидан осон ва тез ўзлаштирилиши имконини беради. Адабиётшунос В. Кожинов сюжетнинг ритмик функциясини шундай таърифлайди: «Агар биз адабий асарни хаёлан қисмларга бўлсак, сюжет бадий тўқиманинг учинчи «қобиғи» ёки «қавати»ни ташкил қилади: энг ташқи қавати — жарангдор ритмик шакл, кейин сўзлардан иборат жумлалар ва ниҳоят, бизнинг тасаввуримиздаги инсонлар ва буюмлар ҳаракати, яъни сюжет».<sup>1</sup>

Адиб Тоғай Мурод асарларида китобхон диди, интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда воқелик тизиб ва аниқ баён қилинади. Муаллиф воқеа — ҳодисани тасвирлашда, бадий тадқиқ этишда сўз имкониятидан унумли фойдаланади. Кураш тасвирини ёритиш баробарида унинг моҳияти, инсон руҳиятига таъсири кўрсатиб утилади. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси ўзбек туйиға чорловдан бошланади. Қиссанавис асар бошланишидаёқ ўқувчига кекса Бури полвонни таништиради. Қахрамон ташқи ҳаракати — даврадаги фаолияти кўрсатилиб борилиши билан бирга унинг хаёлот олами ҳам тасвирланади. Демак, «ташқи ҳаракат» динамикаси етакчилик қилса — да, «ички ҳаракат» динамикаси ҳам кузатилади. «От кишнаган оқшом» қиссаси тугундан бошланади. Асарда кўргилик деб нима назарда тутилгани китобхонни қизиқтиради. Оз ўтмай, бунинг сабабидан ўқувчи воқиф этилади. «Оқшом вақти бўлди, Оламга — да оқшом кўнди, кўнглимга — да оқшом кўнди, Кўнглим оқшомдай маҳзун бўлди».<sup>2</sup> Айни шу ердан ритм ҳам ўзгаради, қандайдир ҳадик, хавотир ҳис қилинади. «Шунда ... шунда от кишнади. Кишнаш кўрдим, кишнашлар кўрдим, аммо ушбу оқшомдагидайини кўрмадим. Тарлон қаҳр ҳам изтироб билан кишнади. Оқшом кишнашдан зир титради».<sup>3</sup>

«Отамдан қолган далалар» романидаги сюжет чизигида ритм ўзгариши қуйидаги тасвирда кузатилади: «Умрада шундай кун бўлади: одам бирдан айниб қолади! Кўнглига қил сиғмайди. Кўнгли бир хижил бўлади, бир ланж бўлади».<sup>4</sup> Ўқувчини сергакликка ундовчи сабаб унда безовталиқ туғдиради. Воқеаларнинг кейинги

<sup>1</sup> Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. — Андижон: Ҳаёт. 2002. — Б.82.

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. — Т.: С.Аҳмедова босмаҳонаси. 2004. — Б.6.

<sup>1</sup> Кожинов В. В. Основы теории литературы. — М.: Знание, 1962. — С.34.

<sup>2</sup> Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Қиссалар. — Т.: Шарқ, 1994. — Б.209.

<sup>3</sup> Уша асар. — Т.: Шарқ, 1994. — Б.213-214.

<sup>4</sup> Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. — Т.: Шарқ, 1994. — Б.170.



ривожи аелининг ўзига ўт қўйиши, онасининг дод-войи, касалхонадаги можаролар, ноҳақликлар кескин ритмда тасвир этилади. Хусусан, аёл вафотидаги маҳзунлик, гамгинлик ритмда сезилади. «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи қўшчининг фирқа этиб сайланиши, очарчилик йилларидаги фаолияти баёнидан бошланади. Ижтимоий муҳит, инсонлар тақдирига назар ташланади, ритмдаги кескинлик ўликларни ҳовузга кўмиш тасвирида кузатилади. Сюжет чизигида жиннихона тасвирида ҳам ритмдаги тезлашиш сезилади. Баъзи ўринларда тафсилот меъёрлари бузилиши публицистикани ёдга солади. Айни шу ҳолат сюжетдаги воқеалар ривожини сусайтириб, ўқувчини зериктиради.

Бадиий адабиётда характер тушунчаси мавжуд. Адабиётшунос А.Расулов: «Характернинг асоси — ўзлик, тийнат, афъол, фитрат, «ватан ичра ватан»ни муқаддас худбинлик, руҳий — маънавий таш — налик нуқтаси, инсон ва инсонийлик асрори, безовта руҳ маскани, тиниб — тинчимаган хушёқар оғриқ макони дейиш жоиз»,<sup>1</sup> — дея таъриф беради. Ёзувчи Тоғай Мурод асарларида Бўри полвон, Зиёдулла кал, Қолон, Дехқонқул, Ботир фирқа каби характерлар силсиласи мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос. Зиёдулла кал учун Тарлон қалбининг бир парчаси. Зиёдулла кал оти чавандозлар ичида шарманда қилганда, ундан воз кечмоқчи бўлади. Бироқ: «Шундай дейишга дедим. Ана, дедим. Аммо кўнглим туб — тубида нимадир... нимадир бир нима майда — майда ушоқ бўлиб — бўлиб кетди. Тарлон учун ич — ичимдан раҳмим келиб — келиб кетди...»<sup>2</sup> Мазкур сатрлардаги сокин ритм қаҳрамон руҳиятини, қалб изтиробини ҳис қилдиради. Такрор сўзлар («туб — тубида», «ич — ичидан» — равиш, «майда — майда» — сифат, «бўлиб — бўлиб, келиб — келиб» — феъл) ҳолатни изчил тасвирлашга хизмат қилади. Ушоқ асли майда бўлади, тасвирда «майда — майда ушоқ» қўллангани таъсирли бадиий манзара яратган. «Нимадир, нимадир» — у мазкур ҳолатни, диладаги оғриқни сўз билан ифодалашга ожиз, бунда пауза ҳам кечингани чуқур ҳис эттиришга хизмат қилади.

Ритм характер маънавий қиёфаси, жамиятдаги мавқеи, саъй — ҳаракатларини намоён этади. Характернинг илк позицияси, кейинги ўсиб ўзгариш, эврилишлар ритм орқали юзага чиқади. Масалан, Дехқонқулни болаликдан муҳит бўғиб ташлаган. Улғайгач шу гир — добдан чиқмайди, унга кўникади. Онгдаги мутелик қон — қонига син — гиб кетган. Хўрлик, қадри, инсоний гурурини топтаганларида исён, ўзликни англаб, ҳаққини талаб қилиш туйғуси уйғонади. Бу туйғу қонида отаси, бобосидан ўтган эди, аммо безовта қилинмаган, парво қилинмаган эди. Ритмнинг характердаги жонлилик, ҳаётийлик, сер — қирраликни намоён этиши, унинг бадиий мукамал, мантиқан асос — ланганлигини ифодалайди. Характер руҳий — маънавий олами бево — сита ритмик ҳаракатда намоён бўлиб, ҳиссиёт, тўқнашув, зиддият —

<sup>1</sup> Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида талқин ва таҳлил муаммоси. Филол.ф.докт. ... дисс. — Т., 2002. — Б.223.

<sup>2</sup> Тоғай Мурод. От килнаган оқшом. Қиссалар. — Т.: Шарқ, 1994. — Б.183.

ларни тулақонли ифодалаш имконини беради. Ритм инсон фитрати — даги эврилишларни, мураккаб руҳий ҳолатларни, турли кечинмаларни ёрқин ифодалаб, ўқувчи ҳиссий дунёсига кучли таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи боби «Тоғай Мурод услуби намоён бўлишида ритмнинг ўрни» дея номланиб, унинг «Услуб ва ритм муносабати» деб аталган биринчи фаслида ижодкор шахси, бадиий услуб, ижодий ўзига хослик ва бетакрорлик каби сифатлар Тоғай Мурод асарлари орқали тушунтирилади.

Ижод аҳли олам сир — асрорларини, одамлар феъл — ағворини ўта нозик, моҳирона акс эттиради. Услуб — ижодкор сийрати кўзгуси. Ўзувчи истеъдодини аниқ — равшан акс эттиради. Тоғай Мурод бадиий сўз имкониятларидан унумли фойдаланиб, ўқуви, диди, дунёқарашини асарларига муҳрлади. Аввало, у ёшлигидан кўшқари, курашларда қатнашиб, халқ дoston, ланарларини тинглаган. Содда, тўпори қишлоқдошлари билан ўсиб улғайган. Айни шу ўзи вояга етган, уни тарбиялаган муҳитни образли ифодалаш илк қиссаларида кўзга ташланади. Адиб қаҳрамонлари портретини яратишда муфассал баённи ёқтирмайди. Бўри полвон портрети ровий нуқти орқали чизилади: «Кенг ҳам дўнг непонасини туртиб чиққан ёноқларини силади. Така соқолини силади». Юз ифодаси қисман тасвирланиб, қолган чизгилар ўқувчи ҳукмига ҳавола қилинади, кураш тушиши, зафарлар кучини полвонларга хос келбатни тасаввур қилиш имконини беради. Зиёдулланинг: «Бари калга қайтадан жингала соч битди, менинг калам ялтираб қолди. Битга — да соч битмади», — дея кўриниши ҳақидаги қисқа тафсилотдан ўзгасини учратмаймиз. Чавандоз, чўпонлик қилишида тоғ кишиларига хос чизгилар яна ўқувчи қарашларига, фантазиясига ҳавола этилади.

Ёзувчи аёл портретини рассом нигоҳида чизади. Момоқиз «Энсиз қошлари, киприклари хиёл эгилди», — дея тасвирланади — да, асар сўнгида чизгиларга аниқлик киритилади: «У ўроқ ўриб — ўриб... рўмолининг учи кўкрагига тўшиб — тўшиб... уни тагин елкасига ташлаб — ташлаб ... менга қиё боқиб — боқиб... зулфларини тоблаб — тоблаб... ҳам иболи, ҳам гинали қўлиб — қўлиб... қўшиқ айтади».<sup>1</sup> Аёлга хос гўзаллик, нафосат, меҳнатсеварлик ифодасида қўлланган сўзлар оҳангга мослаштирилади, хусусан, «у» ва «ў» унлилари ички мувофиқлиги мисра жарангдорлигини таъминлайди. Тасвирда сурату сийрат уйғунлиги воқелик кетма — кетлиги, такрор сўзларга урғу берилиши, мантиқий асос, паузаларда, майин, нафис оҳангга кўзга ташланади.

Тоғай Мурод сўзларни соф ўзбекча ифодалашга аҳамият беради: *ходачўп, қўлрўмолча, оролпаноҳ, беёзиқ, амалдорона, улғу — намо, тошкитоб, сераҳоли, чойнақхалта, лолаб, байроқдаста, қўл — ювгич, дориқоғоз, толшоҳ, офтобиёр, кўрсавод, билониҳоя* ва *ҳока — зо*. Бу сўзлар ўзакка ясовчи қўшимча қўшиш ёхуд икки мустақил ўзак бирикувидан қўшма сўз ҳосил қилиш орқали ясалган.

<sup>1</sup> Тоғай Мурод. От килнаган оқшом. Қиссалар. — Т.: Шарқ, 1994. — Б. 99.



Асар қачон қисқа, лўнда ёзилади?! Қачонки, ёзувчи фикрини, мақсадини аниқ билса, оҳангни беҳато тошган бўлса ҳамда тили равон, яъни нутқи бой, сўз қўллаш маҳоратига эга бўлса, қисқа, лўнда, содда ёзади. Киши айтар гапини аниқ билмаса, тилёғламалик қилади, ташқи безак, баландпарвозликка зўр беради. Тоғай Мурод ўйнаб—ўйнаб, эмин—эркин ёзади. Аслида бу материални, қаҳра—монларни чуқур, атрофлича ўрганиш, борлиқни нозик ҳис қилиш натижасидир. Адиб ижтимоий муҳит, жамият иллатлари, шахс фожеаси, онгдаги кемтиклик билан бир қаторда олижаноблик, атроф—олам нафосатини ҳам асарлари негизига сингдириб юборади. Тоғай Мурод ижоддаги ўзига хослик воқелиқни бадий воситалар орқали образли ифодалашни, қаҳрамон психологияси, саъй—ҳаракатини ёрқин акс эттириши, ритмни юзага келтирувчи такрор, қофиядош сўзлардан, зиддиятли ҳолатлардан фойдаланиш маҳоратида намоён бўлади. Ёзувчи услубида зид қўйиш орқали севдириш ёки бездириш, муҳаббат ёки нафрат тугдирувчи ҳолатлар кўп. Воқелиқни турфа ранг, бетакрор оҳангда ёрита оладиган ижодкор ҳар бир сўз, жумлани созлашга, басталашга интилади.

Бобнинг иккинчи фасли шундай номланади: «Жумла қурилишида ритмнинг аҳамияти». Бунда Тоғай Мурод асарларининг синтактик жиҳати, яъни жумла қурилиши билан боғлиқ ҳолда ритмнинг намоён бўлиш масалаларига эътибор қаратилган. Жумла қурилишида ҳам ритмнинг ўрни ва эстетик аҳамияти мавжуд. Мисрадаги бирор бир сўзга ургу берилиши (мантикдий ургу), қофия, такрорларнинг қўлланиши, сўзлар талаффузидаги ўзига хослик, бадий воситаларнинг нарса ё ҳодисаларни аниқ—равшан акс эттиришга йўналтиргани маълум оҳангдорликни юзага келтириб, маънони кучайтириб, янада таъсирли ифодалашга хизмат қилади. Тоғай Мурод ижод жараёнида фикрни аниқ, изчил ифодалаш, мисралардаги бўғинлар тенглиги, ўлчамлилик, узлуклилик, давомийлик, ички уйғунлик, қофиялар, сажъ каби ритмни ҳосил қилувчи воситаларга аҳамият беради. Адиб жумлалардаги бўғин тенглиги орқали янада изчил, ўлчамли ритмни ҳосил қилишга эришади:

«Тар—лон ус—ти—га ги—лам таш—ла—дим (10).  
Пуш—то—ни—ни сал—қи қи—либ торт—дим (10).  
Қо—зи—ғи—ни те—пиб—те—пиб қоқ—дим (10).

Битта абзацда келтирилган жумлаларда ҳаракат давомийлиги, феъл (ташладим, тортдим, қоқдим) қофияланишига уриниш кузатилади. Биринчи мисрага нисбатан кейинги мисраларда бўғинга ажратишда ўхшашлик яқин. Биринчи мисрада бўғинлар (2+3+2+3) шаклида қўлланган бўлса, кейинги мисраларда (4+2+2+2) тарзида тақсимланган, бу ҳам ўзига хос ритмни юзага келтирган.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12  
Кўсақлар тошдай—тошдай метин бўлади (12)  
Кўсақлар муздай—муздай совуқ бўлади (12)

Сатрда сўз такрори, қофиядош такрор сўз (—дай) қўшимчаси орқали ҳосил қилиниб, метин (тош қаттиқлиги ифодаси), совуқ (музга ишора) сўзлари мавжудлиги муқаррар санъати усулини ёдга солади. Мисралар уч бўғинли сўзлар билан бошланиб, уч бўғинли сўзлар билан тугайди. Жумлаларда сўзларнинг (3+2+2+3) тарзида бўғинга тақсимланиши ички уйғунликни, изчил ритмни намоён этади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16  
Дала юзасида кўз билан кўриб бўлмас зах бўлади (16)  
Дала юзасида қўл билан ушлаб бўлмас нам бўлади (16)

Сатр бошида сўз бирикмаси (дала юзасида) такрорланмоқда. Кўз, қўл бир бўғинли сўз мантиқда мувофиқлик юзасидан мослаштирилиб, зах—нам синоними, бўлмас—бўлади антоними самарали қўлланган. Мисра ичида икки, уч, бир бўғинли сўзлар қўлланади. Тоғай Мурод анафора (мисра бошида сўз такрори) ҳодисаси воситасида изчил ритмни ҳосил қилишга аҳамият берган. Бу билан тасвир жозибасини ошириб, фикрни алоҳида ажратиб, таъкидлаб курсатган. Қўйидаги мисралар ҳам ўзига хос маромда, ўлчамли:

«Эмиш—эмиш — бир ажин бир қайғуни билдирар эмиш  
Эмиш—эмиш — бир ажин бир дарғни билдирар эмиш  
Эмиш—эмиш — бир ажин бир армонни билдирар эмиш»<sup>1</sup>

Такрор (эмиш) сатр бошида эътиборни тортиш, муҳим бир воқеага кишини тайёрлаш мақсадида қўлланган, маънодош (қайғу, дарғ, армон) сўзлардан иборат ҳолда мисралар тузилган бўлса—да, ҳар бир сатр аввалги тушунчани янада таъкидлаб, тўлдириб, кучайтириб ифодалашга йўналтирилади. «Бир ажин» сўзининг ҳар бир такрорига қанча маъно, қанча гам, қанча сир жо этилган. Бунда умр, турмуш синоатларига ишора қилинади, ажин тушуншига сабаб воситалар курсатилади. Инсон қисмати, ҳаёт мураккабликлари эртақ, ривоят йўсинини эсләтувчи жумлалар воситасида тақкин қилинади. Муаллиф жумлалар тузишда анафора, ассонанс, аллитерация, такрор ва қофиядош сўзлардан фойдаланади. Бўғинлар тенг бўлмаган ўринларда ҳам ритм мавжудлиги, фақат мисралар талаффузи жараёнида қисман қисқа ё узун талаффуз қилинишида фарқланиш кузатилади. Баъзи ҳолларда ритм сатр бошидан охирига қадар аста—аста кўтарилиб борса, баъзан мисраларда оҳангдаги бир хиллик сақланади.

Ёзувчи шу тарзда синчковлик билан жумладаги сўзлараро монандлик, мувофиқлик, бўғинлар тенглиги воситасида маълум маромни юзага келтиради. Бу уз навбатида нутқнинг ички тартиби, ритмини ҳосил қилиб, ҳар бир сўз, бўғин жарангдорлигини оши—ради. Тоғай Мурод бўғин тенглиги, сўз такрори, товуш жаранг—дорлиги, қофиядош сўзлар, зид сўзларни қўллаш орқали жумла ритмикасини ҳосил қилади. Ёзувчи ритм воситасида жумла, боб маъно—моҳиятини теран ифодалайди. У ҳис—туйғу, кўтаринки

<sup>1</sup> Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. —Т.: Шарқ, 1994. — Б.121.



ҳолатларга мувофиқ ритм танлайди. Асар гоёси, қахрамон дунёқарашини, жамият ва инсон муносабатларини ифодасида ритм муҳим аҳамиятга эга.

Адиб асарларида сажъдан унумли фойдаланади: "Беғубор болалик, бебош ёшлик, яқин олисларда ... яқин олисларда — сочларнинг оқи, юзларнинг бужури, кўзларнинг нури кўнглининг туб — тубида қолди".

Сажъ ритмик функция бажаради, насрда оҳангдошликни таъминлайди, мазкур парчада ҳам вазидош сажъ қўлланган: беғубор болалик — бебош ёшлик; сочларнинг оқи, юзларнинг бужури — кўзларнинг нури. Сажъ бевосита тасвирдаги изчилликни юзага чиқарган.

Муаллиф сўздан тежаб — тергаб, оқилона фойдаланади. Сиқиқ жумлалар қатига кенг маъно кўламини сингдириб юборади. Асарлар таҳлилида тигиз, аммо теран ифода, мантиқий — изчил тасвир, фалсафий — эстетик қарашлар кўзга ташланади. Санъаткор сўз воситасида нафақат инсон зоҳири — ю ботини, балки миллий қиёфа, ўзликни бус — бутун, асосли, мантиқий фикрлар билан талқин этади. Диссертациянинг Хулоса қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган умумлашмалар қуйидагича тартибланган:

1. Наср поэтикасида ритм муайян поэтик бирлик сифатида ўз ўрнига эга бўлиб, асар ритми эшитиш, тинглаш ҳисси орқали маъно — моҳиятни ўқувчи онги ва қалбига етказилади. Наср поэтикасида ритм муқим, барқарор бўлмай (шеърятда эса ритм вазн орқали ҳосил қилингани учун собит шаклга ва муқим ўрнига эга), ёзувчи мақсад йўналишига кўра ўзгариб боради, шундай бўлса — да, ички тартиб, мувоzanатни сақлашга хизмат қилади.

2. Ритм, пафос ва интонация ўзаро мустаҳкам боғланган поэтик бирликлар сифатида матн табиатини белгилашда ўз функциясига эга. Тоғай Мурод асарларида ритм, интонация, пафос уйғунлиги маънони ёрқин ифодалаб, хушоҳангликни юзага келтиради, нутқнинг эмоционал таъсирчанлигини оширади.

3. Тоғай Мурод асарларида ритм бадий матн изчиллиги, жумла равонлиги, жарангдорлиги, қисмлараро узвийлик, асар яхлитлигини таъминлашда бадий асар таркиби (структураси) да маълум бир поэтик вазифани бажаради. Асарнинг структурал бутунлигини таъминлашда, характер яратишда ритмнинг ўрни мавжуд.

4. Асар ритми ёзувчи дунёқарашини, ифода йўсини, образ яратиши орқали юзага чиқади. Ритм бадий гоё ва образни тўлақонли ёритишга хизмат қилади. Мазмун қатламини, матн ости маъноларини ифодалашда ритмнинг ҳиссаси мавжуд.

5. Ритм характер моҳиятини изчил ёритиш, аниқ ифодалашда муайян аҳамиятга эга. Тоғай Мурод романларида характер ёрқинлигини таъминлашда, қахрамоннинг бетакрор инсоний қиёфасини ёритишда ҳам асар ритмикасининг табиати ўз таъсирини ўтказган.

6. Воқеалар ривожидagi ўзгаришлар, сюжетнинг таранглиги, композицион яхлитлик ритмда намоён бўлади. Тоғай Мурод насрида бадий воситалар кучли ҳис — туйғу, кўтаринкиликни ифодалашга хизмат қилади.

7. Сарлавҳа, биринчи жумла; воқеалар ривожини, тутун ва ечим каби сюжет элементлари ва композицион воситалар етакчи муносабатликни, структура яхлитлигини таъминлайди. Бу жиҳатдан Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи ўзбек насрида янги ҳодиса бўлиб, асар муваффақиятини таъминлаган поэтик унсурлар қаторида ритмнинг ролига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

8. Ёзувчи ижодий манерасининг шаклланишида, ўзига хос бетакрор услубининг юзага чиқишида ритм ифодавий хусусиятга эга. Тоғай Мурод услубининг шаклланишига сабаб бўлган омиллар қаторида ритмнинг ўрни алоҳида таъкидлаш жоиз.

9. Поэтик ритм фақат услубий хусусият касб этмай, жумла қурилиши, сўзлар жарангдорлиги орқали умумий оҳангдорликни, таъминлайди. Бу ҳолат муаллиф нутқида, қахрамонлар нутқининг индивидуаллаштирилишида намоён бўлади. Тоғай Мурод насрида бу ҳолат бирламчи моҳият касб этади.

10. Ритм узлукли, шиддатли, кескин нутқ ҳосил қилади, қофия, сўз такрори воситасида оҳангдорлик, муסיқийлик кучаяди. Такрор, зид, жуфт, тақлидий сўзлар сербўёқлик, кўламдорликка хизмат қилади. Ёзувчи Тоғай Мурод ритмнинг поэтик имкониятларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилган ва бунинг натижасида янги бадий талқиндаги насрий асарлар яратишга эришган.

#### Диссертация мавзуси бўйича қуйидаги ишлар эълон қилинган:

1. Тўлаганова У. Созланган сўз // Тил ва адабиёт таълими. — 2003. — № 4. — Б.72—74.
2. Тўлаганова У. Бадий асарнинг «жони» // Шарқ юлдузи. — 2003. — № 4. — Б.154—155.
3. Тўлаганова У. Ритм — асар жозибаси // Жаҳон адабиёти. — 2004. — № 9. — Б.146—148.
4. Тўлаганова У. Бадий асарда биринчи жумла масъулияти // Ўзбек тили ва адабиёти. — 2004. — № 6. — Б.59—60.
5. Тўлаганова У. Маром ва адабий қахрамонлар тақдири // ЎзМУ ёш тадқиқотчилари илмий ишлари тўплами. — Т.: 2004. — Б. 232—235.
6. Тўлаганова У. Структура ва ритм // Ёш олимларнинг фан — техника тараққиётида тутган ўрни. Илмий — амалий конференция материаллари. — Т.: 2005. — Б. 36—39.
7. Тўлаганова У. Тиниқ туйғулар жилваси // Ўзбекистон матбуоти. — 2005. — № 4. — Б. 34—35



Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор  
Тулаганова Умида Юлдаш кизининг 10.01.02 — Ҳозирги миллий  
адабиёт (Ўзбек адабиёти) ихтисослиги бўйича  
«Тоғай Мурад насрида ритм» мавзусидаги диссертациясининг

### Қ И С Қ А Ч А М А З М У Н И

**Таянч сўзлар:** наср, поэтика, ритм, интонация, пафос, структура, сюжет, характер, услуб.

**Тадқиқот объектлари:** Тоғай Мураднинг қисса ва романлари.

**Ишнинг мақсади:** Тоғай Мурад насри ритми ва унинг хусусиятларини ўрганиш, насрий асарлардаги миллийлик, бадий яхлитлик, муסיқийлик, тасвирийлик каби бадий жиҳатларнинг намоён бўлишида сўз ва оҳанг уйғунлиги, оҳангдорликни юзага келтиришдаги ҳолатларни ўрганиш.

**Тадқиқот усули:** тарихий — қиёсий адабиётшунослик.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** наср поэтикасида ритм, унинг асар таркибидаги вазифаси, пафос ва интонация, ижодкор услуби ва ритм муносабатлари назарий жиҳатдан ўрганилди. Бу илмий муаммолар Тоғай Мурад асарларида ёрқин акс этганлиги инobatта олиниб, унинг қисса ва романлари тадқиқ этилди. Тоғай Мурад асарларидаги сўзнинг маъно ва оҳанг кўламига, бетакрорлиги, муסיқийлиги, ёрқин ифодавийлиги, аниқ ва изчил тасвирига алоҳида аҳамият берилди. Ритмнинг бадий гоёни ёритишдаги вазифаси, матн ички тартиби изчилигидаги ўрнига эътибор қаратилди.

**Амалий аҳамияти:** диссертация материалларидан олий ўқув юртралининг бакалаврият ва магистратура босқичидаги филологлар учун адабиётшунослик тарихи, адабиёт назарияси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда; олий ва ўрта махсус ўқув юртралида ҳозирги ўзбек адабиётидан дарс беришда, умумтаълим мактабларида адабиёт фанини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этилиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертациянинг асосий мазмуни бўйича 7 та илмий мақола чоп этилган.

**Қўлланиш соҳаси:** адабиётшунослик.

### РЕЗЮМЕ

диссертации Тулягановой Умиды Юлдашевы на тему  
«Ритм в прозе Тоғай Мурада» на соискание ученой степени кандидата  
филологических наук по специальности 10.01.02-Современная  
национальная литература (узбекская литература).

**Ключевые слова:** проза, поэтика, ритм, интонация, пафос, структура, сюжет, характер, метод.

**Объекты исследования:** повести и романы Тоғай Мурада.

**Цель исследования:** изучение ритма прозы Тоғай Мурада и его специфики, выявление гармонии слова и мелодии, созвучие в проявлении таких художественных особенностей как национальное своеобразие, художественная целостность, музыкальность, образительность.

**Метод исследования:** историко-сопоставительное литературоведение.

**Полученные результаты и их новизна:** ритм в прозаической поэтике, его роль в произведении, пафос и интонация, отношение метода творца и ритма изучались с теоретической точки зрения. Повести и романы исследованы с учётом всестороннего освещения этих научных проблем в произведениях Тоғай Мурада. Особое внимание уделено лексическому значению и звучанию, уникальности, музыкальности, чёткому выражению, точному и последовательному изображению слова в произведениях Тоғай Мурада. Придано значение роли ритма при раскрытии идеи, места последовательности внутреннего порядка текста.

**Практическое значение:** материалы диссертации могут быть использованы при создании учебников и учебных пособий по истории литературоведения, теории литературы для студентов — филологов на этапах бакалавриата и магистратуры, при преподавании современной узбекской литературы в высших и средних специальных учебных заведениях, при преподавании литературы в общеобразовательных школах.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** по материалам диссертации опубликована 7 научных статей.

**Область применения:** литературоведение.



## RESUME

**Thesis of Tulaganova Umida Yuldashevna**  
**on the academic degree competition of the candidate of philology**  
**sciences, speciality 10.01.02-Modern national literature (uzbek literature).**  
**Subject: The Rhythm in prose by Togai Murod**

**Key words:** prose, structure, poetics, rhythm, intonation, pathos, character, plot, style.

**Subjects of the inquiry:** the narratives and novels by Togai Murod.

**Aim of the inquiry:** to study the rhythm in prose by Togai Murod and its peculiarities, harmony of the word and melody, in keeping with display such literary peculiarities as nationalism, literary integrity, musicality and figurativeness.

**Methods of inquiry:** historical-comparative literary criticism.

**The results achieved and their novelty:** the rhythm in the poetics its aim in the fiction, pathos and intonation, the style of a creator and the attitudes of rhythm are researched by theoretical feature. The works by Togai Murod are investigated taking into consideration the vivid reflection of this scientific problems. Special attention is paid to the meaning of the word and motif, unique, musicality, bright expressiveness, exactness and consistency in Togai Murod's works. Problem of the rhythm in the artistic idea interpretation and sequence in the structure of the text was taken into consideration.

**Practical value:** it can be used in creating text books and manuals for bachelor and master's degree students of philology in the field of historical literature and the theory of literature; in teaching Modern Uzbek literature in higher and secondary specialized schools.

**Degree of embodiment and economic effectiveness:** 7 scientific articles have been published.

**Sphere of usage:** literature criticism.

*Tulaganova Umida Yuldashevna*